

Шоира Хакима Абдурахим кизи 1840 йилда Каттакўргоннинг Алижон кишлоғида мактабдор домла оиласида тугилди. У болалиғидаёқ ота-онадан етим қолиб, кичик акаси Абборкулнинг кўлида тарбияланди. Замонасининг талантили шоири ва олими Мухаммад Шариф Шавкий билан кўшни ва дўст бўлган шоиртабиат Абборкул ёш Хақиманинг ўқиб маълумот олиши учун кўп гамхўрлик қилди.

Хақимани 20 ёшида шаҳарнинг Маврикўргон маҳалласида яшовчи Мирсултон номли этиқдўз-қосибга турмушга берадилар. Оилада кўп ўғил-қизлар тугилган бўлса-да, улардан фақат икки қиз омон қолади: Нигина ва Олима. Олимадан икки фарзанд бўлади: Мухаммади ва Халима. Олима жинни бўлиб, эри Қаримбойвачча томонидан икки боласи билан хайдалади. Хақима қизини кўп табибларга кўрсатса ҳам нафи бўлмайди...

Алам-қулфатлар, жудолик ва моддий қийинчиликлар билан эзилган шоира бадавлат, ўзига тинч қариндошларидан ҳам ҳеч қандай «меҳру вафо» кўрмайди. Бу ҳол унинг айрим шеърларида акс этган. Хақима 1919 йилнинг 20 декабрида вафот этди. Шоиранинг автографлари бизгача етиб келмаган. Бу ердаги шеърлар унинг шогирди Мутриба кўлидаги дафтар ва хотиралардан ёзиб олинди.

ГАЗАЛЛАР

Кел, эй кўнгул, ҳаво домин тутуб, дил берма дунёга,
На ҳуш давлат, ўзунг банд айладинг зулфи сумансога.

Работи кўхна дунёнинг вафоси йўқ, биродарлар,
Ганиматдур сиза айём, на етгай бундай аснога.

На ҳуш қундур баҳор айёми, олам сабзапўш, рангин,
Йигитлик ҳам анингдекдур тушунган аҳли маънога.

Эрур фасли баҳор янглиг азиз ёшлиқ, на хўб роҳат,
Қариган сўнг зимистондур, кўнгул қолмас таманнога.

Келинг, ёшлар, қуруб суҳбат, кўнгулни ҳуш этинг бул чок,

На етгай хофизу, дўсту ширин сўз бирла мийнога.

Бу дунё бир саройдек манзилу, одамлари мехмон,
Хакима, ўтди умринг, етмадинг ул махфилорога.

* * *

Жахон барнолари, эй шўх, кирдорингдин айлансун,
Мукобил бўлса, хар ойина дийдорингдин айлансун.

Малохат гулшанида гунча янглиг, эй пари пайкар,
Очилса гул юзунг, булбул кўруб хорингдин айлансун.

Балогат бобида яктои даврондурсан, эй гулрух,
Ўкурда булбули хушхонлар ашъорингдин айлансун.

Хиром этсанг чаман сори, аё эй дилбари раъно,
Кўрубон кабки хушрафтор рафторингдин айлансун.

Каёнда ганжи зардур халка урган аждахоси бор,
Жахон ганжи сенинг зулфи сиях торингдин айлансун.

Жахон шоирлари мафтун бўлуб ширин маколингга,
Асирингдур Хакима, келди гуфторингдин айлансун.

* * *

Ажойиб турфа савдо кўхна дунёи даго ичра,
Бу мискин бошима минг турли гам бул бевафо ичра.

Гахи гирён, гахи нолон, ажаб афтодаман хайрон,
Эрурман зору саргардон бу золим пуржафо ичра.

Кўзим ёши окар тинмай, кеча-кундуз надур билмай,
Анисим, мунисим бўлмай бу хасратхона — жо ичра.

Кўрубон бир неча фарзанд, нечун хеч бўлмади дилбанд,
Бири хам килмади хурсанд жахони бебако ичра.

Ичиб жоми жафодин май, бу бўлса кисматим кайтай
Кима йиглай, кима айтайки бу зулматсаро ичра.

Кани манга кариганда, боламини бири ёнимда —
Бўлуб гамхўр маконимда мехр янглиг само ичра.

Ўгул-кизлар сафар килди, хамаси бир йўла кетди,
Кари она кейин колди, бутун оху наво ичра.

Мени бечорани ташлаб, нетай икки кўзум ёшлаб,
Либосим танда ўт яшнаб, жахон жоми намо ичра.

Хакима зор йиглайдур, куюб дардини куйлайдур,
Хамон бир чора излайдур бу дарди бедаво ичра.

* * *

Адамдин хар киши дунёга келди пешвоси бор,
Ки хар ким кўнглида бир ўй илан кўп муддаоси бор.

Скандар бистари кимхобу бахмал узра хоб этса,
Аларнинг қолини бўлса, гадонинг бўрёси бор.

Такаббур ахлига зинхор салом-алик демай ўтгил,
Аларнинг бошида шайтони малъуннинг хавоси бор.

Жахоннинг боғидин гуллар очилур ранг-баранг, кўргил
Агарчи яхши одам кўп, ичида ҳам ёмони бор.

Хамиша хушфеъллик бўл халойик ичра сен зинхор,
Кўнгулни оку пок этсанг, хама коринг барори бор.

Карама бад назар бирла, бу душман, деб, хакир айлаб,
Магар бир кун бўлур дўст ул киши, сирри нихони бор.

Эрур хар дам ганимат, хуш тутуб ўткар азиз умрунг,
Бу дунёнинг каму кўстин на суду, на зиёни бор.

Ўтубдур канча олам халки килмай тасрифи дунё,
Хакима хам ўтар уммид билан—хасрат-фигони бор.

МУХАММАСЛАР

Нечук айлай, ёронлар, мен гариби мазлуми ночор,
Хама туккан ого-ини, опаларим килибон ор,
Бўлиб бегона кетдилар, бўлиб мандин бари безор,
Колиб танхо ўзим гурбат уйида кўз ёшим хунбор,
Ўзимга машк этиб хасрат била гохида бу ашъор.

Алардин кўрмадим мехру вафо дунёда бир кун хам,
Ўлиб кетди ўгил-кизлар, фарогат кўрмади дийдам,
Сени фарзанд дебон мехру мухаббат айладим бул дам,
Саломат бўл, кизим, дунёда кўрма зарра кулфат, гам,
Будур мендин васият хам дуо, эй окилу хушёр.

Ки бир кун катта огам уйига бордим мани махзун,
Юмубон кўз, кабок солиб деди:— Келдинг нима учун?!
Дедим:—Кирдим ўтар йўлдин, кўрай деб бир йўла акнун,
Ки бул бахтсиз кизим тиндирмади, килди жигарни хун,
Даво истаб юрурман кўчаларда, дарду гам бисёр...

Яна эрмиш муддаррис, жумла олимларга аълам бул,
Нечук бемехру бадфеъл, бўлмади одамга хамдам бул,
Жигар пайванд бўлмасму, килибон силаи рахм ул,
Узиб уммедим андин бормадиму, кўрмадим бир йўл,
Хакима кон ютар бахтсизлигинин, эй азиз дилдор.

* * *

Чаман зеболари, эй сарв, рафторингдин айлансун,
Тамоми хушсуханлар табъи шахворингдин айлансун,
Эшитса маст ўлур хар банда гуфторингдин айлансун,
Фалотунлар колур лол, акли хушёрингдин айлансун,
Кўролмай багри дог хар лола рухсорингдин айлансун.

Кизил гулким анинг хажрида юз минг булбули шайдо,
Килур хар субхи дамда тинмайин фарёду вовайло,

Гули савсан, гули насрин, гули шабюз, гули раъно,
Гули ках-ках, гули райхонки, бир гул колмасун асло,
Гулистон гуллари, эй тоза гул, хорингдин айлансун.

Замоне жустужўйингда тиниб ўлтурмадим харгиз,
Босиб мухри хамуши тилга, хеч дам урмадим харгиз,
Сўрогинг рашк этиб, агёрлардин сўрмадим харгиз,
Сенингдек гавхари кимматбахони кўрмадим харгиз,
Акику лаълу маржон гавхари борингдин айлансун.

Хакиманинг кўрар кўзи, жахон ичра саломат бўл,
Дуо айлай, гулум, доим, хамиша бофазилат бўл,
Баланд икболу рохатлик, илохи босаодат бўл,
Дейин беҳад санолар, то абад кони шарофат бўл,
Саховатлик, мурувватлик бу кирдорингдин айлансун!

МАСНАВИЙЛАР

* * *

Эй сўзи ширин гулўзорим,
В-эй ваъдада турмаган нигорим.

Гар бўлсаки менда неча минг жон,
Айларман ани йўлунгда ихсон.

Кўйгил кадамингни бошим узра,
Йўк, йўк, кора кўзу кошим узра.

Эй ёри ситамгару жафожўй,

Зулму ситамингни айлама, кўй.

Эмди менга айлагил тараххум,
Кил кулбама бир сафар такаддум.

Ахд анладингу, псга бузарсан?
Сен буздингу, лек бузмадим ман.

Жондин ксчадур Хакима-и зор,
Жон бергучи чун ўзингсан, эй ёр.

* * *

Ёзиб байт бургадин, мен айлайн дод,
Ширин уйкумни золим килди барбод.

Коронгуда нечук йўлни топадур,
Тузуб лашкар, ўнгу сўлга чопадур.

Чакадур хеч бир парвое килмас,
Факиру бойларни кўзга илмас.

Чакадур неча бир гул-гунчаларни,
Кўли боглик, бешикда баччаларни.

Гахи тез ўрмалаб сакраб учадур,
Гахи шум тулкидек бокмай кочадур.

Тутуб бўлмас, кўринмас майда нарса,
Ётолмас чакса рохатда кимарса.

Хакима холини этти кўп абтар,
Йўколиб бургалар, колсун бу дафтар.

КИТЪА

Аё эй гулшани диллар сафоси,
Юзунгдин ахтари гардун жилоси,
Бахор айёми бўлди, келди наврўз,
Муборакбод этарман, эй дилафрўз.